



**БЕКОВОД МЕТАЛ-
ЛУРГАРИ, ЛЕНИН
НОМЛИ СОВХОЗ
ПАХТАҚОРЛАРИ-
НИНГ ВАТАНПАР-
ВАРЛИК ТАШАБ-
БУСЛАРИ КЕНГ
ҚАНОТ ЁЙСИН**

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Оржоникидзе районидagi «Маданият» колхози бурдоқчи-
ларини катта меҳнат талаб-
ларини қўлга киритдилар. Улар
қисқа вақт ичида 32 тонна гўшт
сотиб, квартал гўшт топириш
планини уч хисса қилиб ба-
жардилар.

Чорвадорлар эришилган
ютуқларни мустаҳкамлаб, мол-
лар боқувини яхшилаб, бир ке-
ча-кундузда молларнинг 360—
400 граммгача семиртишга
эришмоқдалар.

«КРАСНИЙ ВОДОПАД» таъия тажриба ҳўжалигининг ме-
ханизаторлари ҳар йили ҳам ремонт ишларини сифатли ўтқа-
зиб, техниканинг узок ишлашини таъминламоқдалар.
Бу йил ҳам ҳўжаликда техника ремонтига барвақт кири-
шилди. Натияжада 27 та ҳайдов ва чопиқ трактори ремонтдан
чиқариб бўлинди. Тиркалиб ишлатилган механизмларнинг
80 проценти тўла ремонтдан чиқди. Содиқ Мирсолиҳов, Тожи-
бой Бўтақўзов, Илҳом Раҳимжонов, Комил Назиров каби ме-
ханизаторлар ремонт ишларида ўрнак кўрсатдилар.

Қ. ИҲУДОШЕВ.

Оржоникидзе районидagi «Тошкент» паррандачилик
фабрикаси коллективи йил
сайин меҳнаткашларга кўплаб
тухум ва парранда гўшти ет-
казиб бермоқдалар.
Коллектив доҳиймиз юби-
лейи нишонланадиган шу кўт-
луг йилда зиммаларига 22,5
миллион донга тухум ва 397

тонна товуқ гўшти етказиб бе-
риш мажбурияти олишган.
Паррандабўқарлар шу ке-
ча-кундузда янада гайрат ва та-
шаббус кўрсатиб ишламоқда-
лар. Айниқса, фабриканинг
Ҳамидов, Бўронов, Сатторов
бошлиқ цехларида барча иш на-
мунали ташкил этилган.

Ж. ЕДИЛБОВ.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЙЛ ЧИҚИШИ.

№ 34 (4281).

**18
ФЕВРАЛЬ**
ЧОРШАНБА
1970 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин

ИЛҒОР СУТ СОҒУВЧИЛАР

Ўрта Чирчиқ районидagi 3-«Оқангарон» совхозини сут
соғувчиларининг бу йилги аяда юксак. Улар йил охи-
ригача ҳар бош сизирдан 1600—1700 литрдан сут соғиб олиш-
га қарор қилганлар.
Тажрибали соғувчилар бугунги кунда ўз боқимларидagi си-
гирларини меҳр билан парвариш қилиб, улардан кўплаб сержай-
моқ сут соғиб олмақдалар.

А. ҒУЛОМҚОДИРОВ.

ТРАКТОРЧИЛАР КУРСИ

Бўстонлиқ район РТСида
тўрт ойлик тракторчилар тайёр-
лаш курси очилди. Курсда
яқин атрофдagi колхоз ва сов-
хозларнинг 30 дан ортққ ешла-
ри кишлоқ ҳўжалик техникаси-
ни бошқариш сирларини қўн-
ти билан ўрганимоқдалар.

А. ОТСОВАРОВ,
Бўстонлиқ району.

КЎКЛАМГА ШАЙЛАНМОҚДАЛАР

БҲКА. (Ўз муҳбиримиздан).
Қиш ҳам тугай деб қолди.
Дехонларнинг яхши кият би-
лан ерга уруғ қадайдиган пайт-
лари яқинлашмоқда. Ҳа демай
кенг даладарда тракторлар
хайқирғи эшитилди. Ҳозир
колхозчилар, совхоз ишчилари
кўклат экиш кампаниясига зўр
бериб тайёрланмоқдалар. Тра-
кторларини сифатли ремонт қи-
лиш, экин агрегатларини сози-
лаш, тўғ тўлаш ва ташини,
минерал ўғитларини барвақт та-
шиб олиш, янги ерларни ўз-
лаштириш, ирригация тармоқ-
ларини тозалаш сингари ишлар
амалга ошириляпти.

Бўнадаги «Ленинбод» кол-
хозини аъзолари кўклат пухта
тайёрлик кўриш ишга қилиб
билан ишмоқдалар.

Улар юбилей йилида 1575
тонна «оқ олтин» етиштиришга
аҳд қилганлар. Маана шу ҳосил-
ни қўлга киритиш учун мав-
жуд техника воситалари, ки-
шлоқ ҳўжалик машиналари кў-
лам экин кампанияси бошлан-
гунга қадар тўла ва сифатли
ремонт қилиниши лозим. Колхоз
механизаторлари бу ишга ас-
тойдил киришганлар. Ҳозиргача
12 та ҳайдов трактордан 10
тасини, 28 та чопиқ трактордан
20 таси тахт, 8 та чопиқ тра-
ктори эса «Солхоттехника»
нинг район бўлими устaxonаси-
да капитал ремонт қилинапти.
Ҳозир устaxonада механизма-
торлардан 42 киши ишлаб ту-
рипти. Техникани ремонт қи-
лишда Саид Хошимуродов, Анор-
бой Эсонбоев, Жанан Байра-
мов, Мамадали Имомбаев ўр-
тоқлар айниқса яхши хизмат
қилмоқдалар.

Колхозда механизатор кадр-
лар тайёрлашга ҳам алоҳида
аҳамият берилляпти. Бу ерда
ҳайдов, чопиқ ва транспортда
ишлайдиган тракторлар, пахта
термш машиналарни кўп. Баъзан
уларнинг икки сменада ишла-
ши зарур бўлиб қолади. Шунинг
назарига олиб, колхоз правлене-
си шу ерининг ўзига 30 киши-
лик механизатор кадрлар ку-
рси очишга ҳозирлик кўряпти.

Б. ХАЛИЛОВ.



БЕШЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

БАҲОРГА ҳартомоялама пухта ҳо-
зирилиқ кўраётган Янгийўл районидagi
«Ленинизм» колхозини деҳқонлари дала
ишларини бошлаб юбордилар. Колхоз-
нинг барча бригадаларида сўғорш тар-
моқларини тозалаш, далага маҳалли ва
минерал ўғит чиқариш ишлари қизгин
олиб бориляпти. Азамат механизатор-
ларининг қилаётган ишлари ҳам қувонч-
лидир. Улар устaxonадаги мавжуд экин
тракторлари, селка ва бошқа асбоб-ус-
куналарини барвақт ремонтдан чиқариб
қўйишди. Суратда: илғор тракторчи
А. Исҳоқов.



ТОШКЕНТАДИ асбобсозлик заво-
дининг техника назорати бўлими ходи-
ми Ф. Измайлова ўз ишнинг моҳир ус-
таси ҳисобланади. Синчков, ишчан на-
зоратчи қорхонада ишлаб чиқариляпти
маҳсулотининг сифатли бўлишига
алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун
ҳам у коллективнинг ҳўрматига сазовор
бўлмоқда. Суратда: Ф. Измайлова мах-
сус қўллана ёрдамида тайёр маҳсулот-
нинг сифатини текширимоқда.

А. Тўраев фотолари.



УЛУҒ САНА ШАРАФИГА

В. И. Ленин туғилган кун-
нинг 100 йиллиги кунни тобора
яқинлашиб келмоқда. Шонли
санани муносиб кутиб олиш
муносабати қўйилган Тош-
кент тепловоз депосининг аҳил
коллективи қувончли ютуқлар-
ни қўлга киритмоқда.

Улар ўтган йили бир неча
юз тонна дизель ёқилтисини
иқтисод қилиб қолган эдилар.
Бу юбратли ташаббус давом
этирилмоқда. Апрель ойининг
икки кунда тежалган ёқилти
билан ишлашга аҳд қилинди.

Машинаист-инструктор Д. Де-
мин бошлиқ локомотив бригада
бултур 114 тонна ёқилти тежаб
қолган эди. Бу ёқилти билан
Тошкентдан Ҳовос станциясига
яъмаи 3400 тоналлик 130 та
вагондаги юкин ташини мумкин.
Бу локомотив бригадаси депода
лешқадамлик қилмоқда. Бри-
гаданинг ҳар бир машинисти ўз
тепловозини бир неча йил ре-
монтсиз ишлаши учун ҳаракат
қилмоқда.

А. КОМИССАРОВ.

ДЎСТАЛИК ЁРДАМИ

Пойтахтимиздagi «Узгипро-
сельстрой» институтини лойиҳа-
чилари Сирдарё областининг
Боевот районидagi «Ленинизм»
колхозини пахтакорлари билан
қалин ҳамкорлик алоқалари
ўрнатилган. Лойиҳачилар ҳар
йили пахтакорларга ҳосилни
йигириб-териб олишда кўмакла-
шади.

Институт директори ўртоқ
В. Лебедев бу дўстлиқнинг шун-
дай таърифляди:

— Бизнинг дўстона кўма-
гимиз фақат бу билангина че-
гараланмайди. Колхоз посёлка-
сини янада обод қилиш учун
ҳама янги қурилиш лойиҳалари
тузиб бериляпти.

Лойиҳачилар ўз ваъдаларига
амал қилиб, сут-товар фермаси,
колхоз маъмурий бинолари,
клуб, болалар богчаси бинос
лоийҳаларини шай ойнача
колхозчиларга топширишга ҳа-
ракат қилишляпти.

Д. ПОЛЕВОВ.

ТЕХНИКА ЭКИШГА ТАЙЁР

Юқори Чирчиқ районидagi
«Ленинский путь» колхозини
пахта ва канопдан мўл ҳосил
етиштириляпти. Ўтган ҳўжа-
лик йили анча қийинчилик-
ларга дуч келинди. Шунга ка-
рамай деҳқонлар зўр матонат
кўрсатиб ишладилар. Илғор-
лар тажрибасидан моҳирлик
билан ўрганиб, ҳосилни ошир-
дилар. Бу эса давлат планда-
рининг муваффақиятли бажари-
лишини таъминлади. Бир
йилнинг ўзига 5200 минг сўм
даромад қилинди. Бу эса бун-
дан кейин ҳам колхозда ма-
данлий-маиший қорхоналарини,
уй-жой биноларини кўплаб қу-
риш имконини берди.

Колхозчилар Мирзачўлдаги

Ленин номли совхоз, Бекобод-
даги Ленин номли металлур-
гия заводи коллективларининг
ташаббусларини кўлаб-қув-
ватлаб, бутун кўч-этиборини
мўл ҳосил етиштириш учун
пахта замин яратишга қара-
тишган. Колхозчилар бу йил
2400 тонна пахта, 18 минг
тонна каноп, 140 тонна гўшт,
660 тонна сут, шунингдек
кўплаб сабзавот, дон сотишга
аҳд қилдилар.

Ҳар бир бригада ва участ-
канинг аъзоси иммадаги юкс-
ак мажбурият қанақалигини
яхши билишди. Қўлгана бри-
гадаларда мелнорация-иррига-
ция шохобчаларини тозалаш
ишлари тугалланди. Ҳўжалик-

даги барча транспорт воситала-
ри маҳаллий ўғит ташиб чиқа-
ришга сафарбар этилди. 3
минг тоннадан ортқроқ ма-
ҳаллий ўғит экин майдонлари-
га чиқариб солинди.

Механизаторлар ҳам суръ-
атга суръат қўймоқдалар. Иш-
нинг муносабати асосида ташкил
этилган сабабли 36 та ҳай-
дов трактори ремонтдан чиқа-
риб, мутахассислар томонидан
қабул қилиб олинди. 28 та
чигит ва каноп экидиган
селка ҳам қўлдан чиқарилиди,
экишга тайёр. Мавжуд боро-
наларнинг ҳаммаси яна бир
бор текширувдан ўтказилди.
Ремонтчилар ишнинг график
асосида ташкил қилганликла-

ри сабабли ҳам техника ре-
монти асосан тавом бўзди.
Хали экишга вақт бор. Бу
фурсатдан фойдаланган ме-
ханизаторлар эндиликда пахта
термш, қўрак қувиш машина-
ларининг ремонтини бошлаб
юбордилар.

Ҳар кун устaxonада иш
қизгин. Ака-ука Бахтиёр, Аб-
дурахмон Ҳакимуллинлар, Ва-
лери Пақ, Алексей Ли каби
колхозчилар ремонт ишлари-
ни тезлаштириб, ҳар бир аг-
регатини сифатли қўлдан чиқа-
ришга муносиб ҳисса қўшмоқ-
далар.

М. АЗАМАТОВ.

КОЛХОЗ ҚУРИЛИ- ШИНING ЯНГИ ФОРМАСИ

Областимизнинг Калинин
районидagi ҳўжалик ҳисоби асо-
сида ишловчи колхозларро
капитал-қурилиш бўлими ту-
зилди.

— Олдинги йилларда қури-
лиш учун пулратчиларини кол-
хозчиларнинг ўзлари ташла-
шарди. Энди барча колхоз қу-
рилишига алоқадор ишлар би-
лан бўлиминиз шугулланади.—
дейди капитал-қурилиш бўли-
ми бошлиғи ўртоқ В. Пақ.—
Қурилишнинг бу янги форма-
си катта қўлайликдир. Бунда
колхозларда қурувчи-инженер-
лар, техниклар штати қисқа-
ради. Бундан ташқари, иш
суръати анча тезлашади. Таш-
килотимиз колхозларга объект-
ларини тайёр ҳолда топширади.
1970 йилда 13 та колхозда
4 миллион сўмлик қурилиш
ишлари бажариш планлашти-
рилди. Булардан 2 миллион
сўм теплица комбинатлари қу-
рилишига, 500 минг сўми йўл-
лар ремонт қилиш ва қолгани
эса бошқа обodonлаштириш
ишларига сарфланади.

Юбилей йилнинг биринчи
кварталида Оржоникидзе номли
колхозда ҳажми 1,1 гектар.
«Ўзбекистон ССР 40 йилги»
колхозинида ҳажми 1,6 гектар
бўлган теплица комбинатлари
фойдаланишга топширилди.

А. КИМ.



БЕКОВОД районидagi «Октябрь 50 йиллиги» совхозини сабза-
воткорлари шакарлик меҳнаткашларини қишда ҳам сабзавот маҳсу-
лотлари билан таъминлаш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.
Совхоз теплица ходимлари бу йил зиммаларига 80 тонна помидор ет-
казиб бериш мажбуриятини олганлар. Тажрибали сабзавоткорлар
ҳозирги кунда пишиб етилган помидорларини ўзиб, пешма-пеш ша-
ҳарга жўнатиляптилар. Суратда: (чапда) совхоз теплица ҳўжалиги-
нинг бошлиғи А. Ғафуров илғор сабзавоткор Ж. Усмонов билан
узилган помидорларни қўздан кечирмоқдалар.

Н. Аюбжонов фотоси.

БЕДА

ОЗИҚЛАНТИРИЛМОҚДА

ЭСКИ ТОШКЕНТ. («Тошкент ҳа-
қиқати» муҳбиридан). Янгийўл
районига қарашли Киров номли
колхозини аъзолари беда пар-
варини бошлаб юбордилар.

Баҳорнинг барвақт келиши би-
лақ эсини беда майдонлари турли
ҳашаротлар билан зарарланиши
мумкин. Бунинг ҳисобига олган кол-
хозчилар эндиликда ҳар гектар
ерга 60 килограммдан гексахло-
ран дустини сеппишмоқда. Шу би-
лан бирга бедалар қўшимча ра-
вишда озмиқлантирилляпти. Ҳар
гектар ерга 500 килограммдан
фосфор сеппиляпти.

Механизаторлар ҳам фурсатини
қўлдан бой берималляпти. Беда-
зорларини ўткир тишли боро-
налар билан бороналаб қўймоқда-
лар.

ЮТУҒИМИЗ БОИСИ

Кейинги йиллар давомида
заводинида катта ўзгаришлар
содир бўлди. Маҳсулот ишлаб
чиқариш жараёнларида техник-
кадан унумли фойдаланишга
бошланди. Ишчиларга қўлай
шароитлар яратилди. Меҳнат
интизоми яхшиланиб, маҳсулот
ишлаб чиқариш суръати ортди.
Корхонамизда 1969 йилда
эришилган муваффақиятлар
айниқса қувончли бўлди. Иш-
чиларимиз ҳомаш, ишлаб чиқа-
риш ва унни реализация қилиш
планларини муваффақиятли
адо этдилар. Йиллик пландаги
6249 минг ўрнига 6442 минг
сўмлик саноат маҳсулотини иш-
лаб чиқардилар. Ишлаб чиқа-
рилган маҳсулотини реализация
қилиш плани 101,7 процент
қилиб адо этилди. Меҳнат
унумдорлиги ҳам ортди. Бу
эришилган муваффақиятлар ўз-
устига келмади. Корхонада ра-
ционализаторлик ва ихтирочи-
лик ташаббуси кенг қўлаоч ёй-
дирилди. Улар маҳсулот ишлаб
чиқаришнинг қўлайлигини ва
унинг сифатини яхшилаш, мав-
жуд техникадан унумли фойда-
ланиш, тежадорликка эри-
шишга фаол иштирок этмоқда-
лар. Рационализатор ва ихти-
рочилик бюросига 12 аъзо бир-

лашган. Ихтирочиларнинг ки-
риган тақдирлари ижобий на-
тижалар берди.

Корхонамизда ишлаб чиқа-
риш жараёнларини тақомил-
лаштиришга, техника ресурслари-
дан оқилона фойдаланишга
эътибор берилмоқда. Пландagi
10 минг сўмга қўшимча 65
минг сўм иқтисод қилинган.
12 минг киловатт-соат электр
энергия тежалгани бунинг ижо-
бий самараси бўлди.

Корхонамиз замонавий тех-
ника асосида реконструкция
қилиняпти. Ҳозир узун ва қис-
қа тола ишлаб чиқариш цехла-
ри янги техника билан жиҳоз-
ланган. Ҳомашини қайта иш-
лайдиган янги ускуна тажриба
тарихисидида ишлаб турибди. Ян-
гидан кустопроцелид тайёрлаш
цехи ишга туширилди. Юк ор-
тиш ва тушириш, ҳомаш иш-
лаш, уларни пресслашгача бўл-
ган ҳамма ишлар машина би-
лан бажаришмоқда. Илгарилар
катта майдонларда каноп
пўстлогини ёйиб қўриқтилар, уни
ёйиш учун қўп ишчи кучини
ажратиларди. Эндиликда ор-
тиқча ишчи кучига ҳожат бўл-
май қолди. Ҳомашини суғийиб
қўриқтиш цехи ишлаб турибди.

Шу кунларда меҳнат вахте-
сида туриб ишлайдиган беш йил-
лик нагорларни жуذا кўп. Бри-
гаданин ишчилари илғорлигини
қўлдан бермаслигига интило-
моқдалар. Қорхонада яна олти
ишчи коммунистнинг меҳнат
зобдори деган шарафли номни
олишга ҳаракат қилмоқда.

Бригаданин коллективини беш
йиллик топириқнинг муваффа-
қиятли адо этди. Қурилиш ва об-
лиқ топириқлар ҳам мунта-
зам бажаришмоқда. Аъло сиф-
атли маҳсулот тайёрлаш,
ёқилди ва электр энергиясини
тежаб-тергаб фойдаланишга
интиляпти.

В. И. Ленин номли Бекобод
металлургия заводи ва Мирзачўл
районидagi В. И. Ленин
номли совхоз коллективларининг
доҳий юбилейи шарафига
олган социалистини мажбурият-
лари барча ишчилар қатори
бизга ҳам янги гайрат бағиш-
лади. Улуг сана шарафига му-
носиб туҳфа тайёрлаш ягона
шioriимиздир.

В. БОГДАНОВА,
«Янги ҳаёт» луб заводи-
нинг коммунистнинг меҳнат
бригадаси бошлиғи.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЕРДАМ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

ПРАГА. 17 февраль. (ТАСС).
Бу ерда 10—16 февралда ўзаро
иқтисодий ердам кенгаши енгил
саноат бўйича доимий комиссия-
сининг 12-мажлиси бўлиб ўтди.
Мажлисда ўзаро иқтисодий ер-
дам кенгашига аъзо бўлган мам-
лакатлар: Болгария, Венгрия,
ГДР, Монголия, Польша, Руминия,

Совет Иттифоқи ва Чехословакия
делегациялари қатнашдилар.
Комиссия енгил саноат, ёғоч-
созлик ва полиграфия саноатини
ривожлантириш ва кенг истеъмол
товарларини ишлаб чиқаришнинг қў-
лайлигини турлиларни кенгайтириш
ва сифатини яхшилаш соҳасидаги
ҳамкорлиқни янада ривожланти-

риш масалаларини юзасидан ўзаро
иқтисодий ердам кенгаши 23-маж-
сис сессияси қарорларини бажариш
мақсадида белгиланган тад-
бирлар лойиҳасини муҳокама
қилишлар ва тасдиқладилар.
ГДР енгил саноат министри И.
Виттик мажлисда В. И. Ленин ту-
ғилган кунининг 100 йиллиғи тўғ-
рисида доқилда қилди. У, соци-
алистик лагер мавлакатлари,
халқаро ишчилар синди ва унинг
революцион партиялари шу шон-

ли тарихий сана муносабати би-
лаан ўз ишларини кўришдан ўтказ-
заётганиликларини, янги истисмо-
ларини ҳамда набатданга вазири-
ларини белгилётганиликларини,
тичилик, демократия ва соци-
ализм учун курашдаги жанговар
бирлигини мустаҳкамлаётганиликларини
таъкидлади.

Мажлис иштирокчилари В. И.
Лениннинг Прагадаги музейини
бориб кўрдилар.

АКТИВ ЖАМОАТЧИЛАР

A black and white photograph of a man in a military uniform, wearing a peaked cap with an eagle emblem. He is looking down and writing in a small notebook with a pen.

К. ПОШАЛИЕВ,
Урта Чирчиқ районидаги
«Партия XXII съезди» кол-
хози халқ контроли груп-
пасининг раиси.

К. ПОШАЛИЕВ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози халқ контроли группасининг раиси.

